

## Президент жорий ҳафтада Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги қарор қабул қилади



15:30 / 10.05.2021 1985

Президент жорий ҳафтада Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги қарор қабул қилади ҳамда ҳудудлар ва тармоқлар иқтисоди бўйича видеоселектор ўтказди.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг матбуот котиби Шерзод Асадов ОАВ учун ўтказилган анъанавий брифингда давлат раҳбарининг жорий ҳафтадаги режалари ҳақида маълумот берди. Бу ҳақда kun.uz манбаси хабар берди.

«10 май куни давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги ислохотлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан тақдимот ўтказилади. Шунингдек, ҳафта давомида соғлиқни сақлаш соҳасида

рақамлаштириш жараёнлари ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдироти, ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш масалалари бўйича видеоселектор ўтказилиши мўлжалланган.

Муборак Рамазон ойи тугашига ҳам оз вақт қолди. Шу кунларда ҳурматли Президентимизга Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги қарор лойиҳаси бўйича ахборот берилади. Қабул қилинадиган қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади», – деди Шерзод Асадов ўз нутқида.